



**ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ\***

к договору (контракту) от 05.01.2022 г. № 9900027273

между NAMANGAN SUV TA'MINOTI mas'uliyati cheklangan jamiyati и RESPUBLIKA IXTISOSLASHTIRILGAN NARKOLOGIYA ILMIY-AMALIY TIBBIYOT MARKAZINING NAMANGAN VILOYAT MINTAQAVIY FILIALI на общую сумму 4402965,00

Глава 054  
Казначейский лицевой счёт 100021860144017073201054007

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4224000			
Январь	1 467 655,00			1 467 655,00
Февраль	1 467 655,00			1 467 655,00
Март	1 467 655,00			1 467 655,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Всего за год</b>	<b>4 402 965,00</b>			<b>4 402 965,00</b>

Всего 4402965,00 сум

Четыре миллиона четыреста две тысячи девятьсот шестьдесят пять сум 00 тийин  
сумма прописью


Из вышеуказанной суммы \_\_\_\_\_ сум или \_\_\_\_\_ % \*\*\* от общей суммы договора подлежат предоплате в \_\_\_\_\_ мес. 20\_\_ г.

(\*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(\*\*) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(\*\*\*) — Месячный \_\_\_\_\_ % , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до \_\_\_\_\_ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика

  
(подпись)

Дедабаев Файзулло Убайдуллаевич  
Ф.И.О.



Главный бухгалтер заказчика

  
(подпись)

Тошназаров Ойбек Отамирзаевич  
Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения

\_\_\_\_\_ (подпись)

Получил работник заказчика

\_\_\_\_\_ (подпись)

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.



ҳужалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилади.

1.6. «Истеъмолчи»га белгиланган ичимлик сув таъминоти ва оқова сувларни қабул қилиб олиш миқдорий лимити (м<sup>3</sup>):

Хизма т тури	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Жами
Ичимлик	380	380	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—
Оқова сув	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—

1.7. «Истеъмолчи» «Water control» дастуридан ўзига керакли бўлган маълумотларни СМС хабарнома орқали олиши, ўлчаш асбобини кўрсаткичини бериши, қардорлиги ҳақида ҳамда ўлчаш асбобининг ДНҚ мuddати келганлиги тўғрисида огоҳлантирилиши мумкин. СМС хабар орқали олинган ва берилган маълумотлар расмий маълумот ҳисобланади.

## II. Умумий қоидалар

2.1. Ичимлик суви билан экинларни сугориш, ҳовлилар, йўлакчаларига сув селиш, ҳамда, ичимлик сувида автоматизацияларни қуриш учун ўрнатилган вақтдан ташқари фойдаланиш қатъиян ман этилади.

2.2. Сув таъминоти тизимларидаги ичимлик суви истеъмолчи (суб-истеъмолчи)ларнинг ҳужалик-истеъмол ва коммунал-маиший эҳтиёжлари, ёнгинларни ўчариш, шунингдек, ичимлик суви талаб этиладиган технологик ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун мулкжалланган.

«Таъминотчи»нинг техник имкониятлари мавжуд бўлган ҳолатларда, ихтисослашган истеъмолчиларга ичимлик суви марказий коммунал сув таъминоти тизимларидан отказиб берилади.

2.3. Асосий истеъмолчининг тармоқларидан сув олиб, оқова сувларини «Истеъмолчининг» канализация тармоқларига ўтувчи суб-истеъмолчилар сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш шартномасини «Истеъмолчи» билан тасдиқланган «Қоидаларга» мувофиқ тузадилар.

2.4. Сувини ҳисобга олиш асбоблари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан текширилган ва тамгаланган бўлиши ва сув ўлчаш тармоғи сув-коммунал ҳужалиги ташкилоти томонидан тамгаланиши лозим. Шунингдек ичимлик сувини ҳисобга олиш ускунасини ечиш, киёслашдан ўтказиш ва ўрнатилган тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 августдаги №-698 сонли қарорига мувофиқ қўйилади.

2.5. «Истеъмолчи»га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш қурилмасининг шартли ўлчатиқчининг диаметри (калибри) ҳисоб-китоб асосида аниқланади, объектнинг максимал сув истеъмоли ва минимал сув истеъмолига текширилади ва «Истеъмолчи» билан келишилади. Ҳисоблаш қурилмаси учун ўрнатилган минимал истеъмол миқдоридан кам миқдорда сув истеъмол қилинганда, «Таъминотчи» сув ўлчаш тармоғини қайтадан қурилма билан таъминлаш қўрсаткичлари қабул қилинмайди ва ҳисоблаш Қоидаларда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

2.6. Сув ўтказиш-канализация ҳужалигининг реконструкцияси, ҳисоблаш қурилмаларини ишга тушириш, ҳисоблаш қурилмаларини алаштириш, янги суб-истеъмолчиларининг ўрнатиши Истеъмолчи томонидан фақат «Таъминотчи» тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиҳа асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар «Истеъмолчининг» сўровномаси асосида, берча тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда берилади. «Таъминотчи»дан олинган техник шартлар асосида «Истеъмолчи» буюртмасига асосан, амалдаги меъёр, қоидалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида лойиҳалаштириш ташкилоти томонидан уланиш лойиҳаси ишлаб чиқилади.

2.7. Қурилган улавларнинг ишга туширилиши «Таъминотчи» томонидан, «Истеъмолчи» ва қурилиш ташкилот вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

2.8. Агар сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун нархларда ўзгариш вужудга келса, тулов янги тарифлар асосида амалга оширилади.

2.9. Коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш қисмларининг техник ҳолати учун эксплуатациячон масъулият чегараси (сув ва оқова тизимлари, қурилмалар ва уларнинг мосламалари) сув-коммунал ҳужалиқлари ва истеъмолчилар орасида, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари орасида қуйидагилардан иборат:

а) сув истеъмоли учун узатиш тармоғининг киритиш қурилмаси бўлиб, у коммунал тармоқдан ўчирилади. Сув қувурини, шу жумладан узатиш қурилмасини ишга тушириш истеъмолчининг ички сув узатиш тизимининг бир қисмидир.

б) оқова тизими учун магистрал оқова тизимига уланиш нуқтасидаги сув чиқариш қудуғи бўлиб, у «Истеъмолчи»нинг ички оқова тизимининг бир қисмидир. Агар чиқариш оқова қудуғи магистрал оқова тармоғига жойлашган бўлса, қўрсатилган қудуқ сув-коммунал ҳужалиқнинг бир қисми бўлади, узатиш тармоғининг эксплуатацияси эса «Истеъмолчи»нинг қучи ва маблағи ҳисобига амалга оширилади.

## III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

### 3.1. Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

а) «Таъминотчи»дан, у билан тузилган шартнома асосида, ичимлик сув ва оқова сувини чиқариш хизматларининг узлуksиз амалга оширилишини, ўз ҳаёти ва соғлиғига, мулкига ҳавф туғдирмайдиган даражадаги сифат ва миқдорда ичимлик сув берилишини талаб қилиш;

б) «Истеъмолчи» ҳисобидан ҳисоблаш қурилмасини ўрнатиш.

в) тегишли сифат даражасидаги ичимлик сув ва оқова сув тармоқларига хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун «Таъминотчи»дан қонунчиликда ва шартнома шартларида қўрсатилган миқдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб қилиш;

г) «Таъминотчи»ни шартномани бекор қилиш тўғрисида, унинг бекор қилинишидан қамийда 15 кун олдин огоҳлантирган ҳолда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки оқова сувини чиқариш бўйича қўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлиқ амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш;

д) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани (шахсан ёки ўз вақили орқали) бепул олиш;

е) «Таъминотчи»дан ичимлик сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳақидаги маълумотларни бепул олиш;

ё) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш бўйича хизматлар кўрсатилмаётганлиги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида таъминотчидан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотларни олиш;

ж) Давлат санитария эпидемиология маркази органлари томонидан тасдиқланган амалдаги стандартларга жавоб берадиган сифатли ичимлик суви билан таъминланганлик (сифатсиз ичимлик сув мавжудлиги аниқланган даврдан у тегишли даражага олиб келинган вақт) учун қайта ҳисоб-китоб амалга оширилишини талаб қилиш.

### 3.2. Истеъмолчининг мажбуриятлари:

а) шартнома шартларини бажариш;

б) ўзининг ҳудудига жойлашган ва уларга тегишли бўлган коммунал сув ва оқова тармоқлари ва қурилмаларининг мувофиқ равишда қўриқланишини, уларга сув тошиши ёки шикастланишига, музлаб қолишига йўл қўймастик, қудуқ қопқоқларини қор ва муздан тозалаш, «Таъминотчи» томонидан ўрнатилган тамгаларнинг буллигини назорат қилиш, қудуқлардан юза оқоваси мавжудлигини таъминлаш, ёнгина қарши гидрантларга ўтиш йўллари бекитилмаслик, қўрсатилган ёнгина қарши гидрантларнинг қўрсаткичлари яхши ишлашини назорат қилиш;

в) «Истеъмолчи» ҳудудига ёки унинг тасарруфидоги сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларнинг устига турли буом ва материалларнинг ймгилишига ҳамда сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг устидан иншоотлар қўрилмаслигини, шу жумладан, ташки (қуча ва квартал ичидаги) сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг устидан иншоотлар қурилишига йўл қўймастик.

г) коммунал сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг транзит нўкталарида ҳар қандай шикастланиш, бузилишлар ҳақида зудлик билан «Таъминотчи»ни хабардор қилиш;

д) сувини ҳисобга олиш приборларида яққол қўриниб турган носозликлар, шунингдек тамғани буллигига шикаст етган ёки узиб ташланганлиги тўғрисидаги ҳолат аниқланганда ҳамда ҳисобга олинмаган ёнгина қарши гидрантлар мавжудлиги ҳақида дарҳол ёзма равишда ёки алоҳи тармоқлари (факс, электрон почта) орқали «Таъминотчи»га хабар бериш;

е) «Таъминотчи» билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятларига риоя қилиш, ҳар ойнинг 23 дан 25 гача санасида қўрсаткичларни ўз вақтида ва аниқ ечиб олиш ва ушбу қўрсаткичларни «Таъминотчи»га жорий ойнинг охири кунидан кечикмаган ҳолда маълумотларни тақдим қилиш ва туловни амалга ошириш;

ё) шартномада белгиланган миқдордан ортик ҳажмда сувнинг ортик сарф қилинишига ва оқова сувларининг меъёрдан ортик чиқарилишига йўл қўймастик;

ж) «Таъминотчи»ни ўз вақтида сув ўтказиш-оқова ҳужалиғидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилдаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилиш;

и) «Таъминотчи»га тегишли бўлган ёки унинг ҳудудида жойлашган сув ва оқова тармоқлари, курима ва мосламаларнинг мувофиқ техник эксплуатациясини таъминлаш;

й) ишлаб чиқариш оқова сувларининг олдиндан тозалаш ишларини олиб бориш ва уларнинг ифлосланиш концентрациясини меъёрдаги кўрсаткичларга ўтиб кетмаслигини таъминлаш;

к) оқова тармоғига туширилувчи сувларнинг сифатининг мониторингини таъминлаш;

л) «Истеъмолчи» ҳудудида жойлашган сув ўлчаш тармони, коммунал сув ўтказиш ва оқова тизимларида ҳар қандай ишларнинг бажарилишига бегона шахсларни қўймастик;

м) жамоат сув ва каналзация тизимларини объектларига шикаст зарар етказган «Истеъмолчи» дарҳол «Таъминотчи»га хабар бериши ва етказилган зарарни қоплаш учун «Таъминотчи» техник назорати остида ўзи етказилган шикастланишни бартараф этиш ва беҳуда сарф қилинган сув нархини тўлаши шарт.

### 3.3. Таъминотчининг ҳуқуқлари:

а) «Таъминотчи» қўйдаги ҳолларда, истеъмолчини 5 кун аввал хабардор қилган ҳолда, сув узатишни ва сув чиқаришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиш ҳуқуқига эга;

б) «Истеъмолчи» ҳудудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги сув узатиш ва оқова тармоқлари, мослама ва курилмаларнинг техник ҳолати коникарсиз ҳолатда бўлса ва «Истеъмолчи» техник фойдаланиш қондаларини бузиш натижаларини «Таъминотчи» вакиллари талабига қўра бартараф этамаса;

в) «Таъминотчи»нинг вакили истеъмолчи ҳудудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги бўлган сув узатиш ва оқова тармоқлари, мослама ва курилмаларида ишлар олиб бориш, таъмирга ўрнатилган ва бошқа ишларда «Истеъмолчи» томонидан асосиз халақат берилган тақдирда;

г) «Таъминотчи» томонидан режалли олдини олиш таъмирлаш ишларини, сув ўтказиш ва оқова тармоқларида ишлар бажарилишида, «Истеъмолчи» уларга уланган бўлса, ва янги «Истеъмолчи»ларни улаш учун ишларни ўтказишда;

д) «Истеъмолчи»нинг хизмат кўрсатилишида ва унинг тасарруфидаги коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига ўзбошимча суб-истеъмолчиларнинг уланиб олганлиги аниқланганда;

е) «Истеъмолчи» ўрнатилган муддатларда тўлов ҳужжатларига мувофиқ тўловни амалга оширмаганда;

ё) «Таъминотчи»нинг розилигини олган суб-таъминотчиларнинг «Истеъмолчи» тасарруфида бўлган коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига уланишига рад жавобини берганда;

ж) «Истеъмолчи»лар томонидан коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларини кўрсатиш шартларига риоя қилинмаганда;

з) энергия таъминоти тўхтатилганда;

и) табиий офатларда;

й) аварияларда;

к) ёнгин чиққан ерларга сув етказиш ҳажмини ошириш зарурияти тутилганда.

### 3.4. «Таъминотчи»нинг мажбуриятлари:

а) сув таъминоти ва сув чиқариш бўйича шартнома шартларини бажариш;

б) сув етказилишини (ҳудудларда ҳоким томонидан тасдиқланган сув бериш ҳадвалига асосан) таъминлаш;

в) тизимли равишда давлат сув таъминоти ва каналзация тармоқлари, истеъмол объектлари ва курилмаларига уланган сув таъминоти ва каналзация тармоқларининг ҳолатини ва ишини тизимли назорат қилишни амалга ошириш ва уларни тўри ишлашни таъминлаш этишда амалий ёрдам кўрсатиш; бюджет билан биргаликда «Истеъмолчи»лар сувидан оқилона фойдаланиш ва сувдан оқилона фойдаланишни аниқлаш, сувни етказиб бериш ва истеъмол қилишни катъий назорат қилиш ва ҳисобга олиш, санаотга мувофиқлигини мунтазам равишда назорат қилиш ва уларга тенглаштирилган сув истеъмол қилиш чекловларига риоя қилишни назорат қилиш;

г) «Истеъмолчи»ларга индивидуал ҳисоблаш курилмаларини ўз ҳисобидан ўрнатилгандан сўнг, ўрнатилган тартиб ва муддатларда уларнинг ишини текшириш;

д) «Истеъмолчи»лар сув қуур ҳужалиғининг текширишни (индивидуал ҳисоблаш курилмасининг яхши ишлаётганлигини текширган, улардаги назорат кўрсаткичларини олган ва

таъмирга қўйиладиган маълумотларни аниқлаш ҳолда) бир ойда қўли билан бир марта ўтказиш ва мувофиқ далолатномаларни тузиш;

е) «Истеъмолчи»га, ушбу шартноманинг шартларини бажармаган ҳолларида, жарима яъни пеня тўловларини амалга ошириш;

ё) сув таъминоти ва истеъмолчи оид меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги ҳақида «Истеъмолчи»ларни хабардор қилиш;

ж) сув етказиш ва сув чиқариш учун хизмат ҳақи тўловларининг тарифлари ошганда, улар кучга кирган кундан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари орқали маълумот бериш;

з) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани «Истеъмолчи»га бепул бериш;

## VI. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. «Таъминотчи» ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларни бажармасликда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда келиб чиққан зарарни, «Истеъмолчи» эса етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплаши шарт.

4.2. Истеъмолчи қўйдагилар учун жавобгардир:

а) сув ҳисоблаш курилмасидаги таъмирга, айланмиш чизиги жўмрағи, гидрантлар ва бошқа сув узатиш мосламаларидаги қисмларнинг унинг ҳудудида ва тасарруфида бўлган таъмиргани хисоблаш курилмаларининг бутунлиги ва сақланиши учун;

б) сув тармоқларига ўз бошимча уланиб олиш, совуқ сувни ҳисобга олиш курилмаларининг касаддан бузилишига йўл қўйиш ҳамда сув ҳисоблаш курилмаларидаги кўрсаткичларни ташқаридан аралашган ҳолда ўзгартириш ҳолатлари учун;

в) қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда;

г) ўзбошимчалик билан қурилган иншоотлар сабабидан, тармоқлардаги авариялар бўлган ҳолатларда;

д) коммунал дренаж тизими мавжуд бўлса «Истеъмолчи» ҳудудида жойлашган оқова тармоғига ёмғир ва эриган қор сувларнинг тушишига йўл қўймастик. Ушбу қондабузарлик аниқланганда «Таъминотчи» ходими ўрнатилган тартибда далолатнома тузади ва ушбу далолатнома «Истеъмолчи»нинг масъулият ва жавобгарлик қорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

4.3 «Таъминотчи» қўйдаги ҳолларда жавобгардир:

а) амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ, узатилаётган сувнинг сифати ва қонунчиликда ва шартнома шартларида қўзда тутилган бошқа ҳолларда;

б) «Истеъмолчи»ларга сув таъминотига уланиш ва сув чиқариш хизматларида фойдаланиш учун зарур бўлган техник шартларнинг ўз вақтида ва ишончли тақдим қилиниши учун;

в) «Истеъмолчи»нинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарар, маънавий зарар учун қонунчиликда ўрнатилган тартиб ва миқдорда, қоплаш;

г) шартнома шартлари ва юқлатилган мажбуриятларни бажармаслик;

д) қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

5.1. Коммунал сув таъминоти тизимидан чиқарилган (қабул қилинган) сувнинг ҳисоби ҳисоблаш курилмаси мавжуд бўлганда, ҳисоблаш курилмасининг кўрсаткичларига мувофиқ, амалдаги тарифлар бўйича ҚҚС ва махсус устамани ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5.2. Оқова тизимига келиб тушувчи оқова сувининг миқдори, сув тармоғидан етказиб берилган сув миқдорига тенг. Марказлашган ҳолда исик сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, истеъмол қилинувчи совуқ сув миқдорига 2.0 коэффициентни қўлланилади. «Истеъмолчи»нинг ўзида сув таъминотининг курилмалари мавжуд бўлса, оқова сувларининг миқдори ушбу сув курилмаларининг махсуддорлигига (ёки ўрнатилган ва рўйхатга олинган ҳисоблаш курилмаларининг кўрсаткичларига) қўлайтирилади. Ички сув таъминоти тизими «Истеъмолчи»нинг шахсий автоном манбаси билан боғлиқ бўлмастгиси лозим.

5.3. Объект эгаси, автоном сув таъминоти(скважина, очик сув ҳавзаси, ирригация тизими)га ёки марказий коммунал оқова тизимидан бошқа оқова ташлаш манбаларига эга бўлган ҳолатларда, «Таъминотчи» билан шартнома тузиш учун махсус табиий сув объектларидан сув олиш ёки чиқариш учун қўшимча рухсатнома тақдим этиши лозим.

5.4. Сув таъминотининг хусусий автоном манбаи (артезиан скважинаси, қудуқ, очик сув ҳавзаси, ирригация тизими ва х.к.) мавжуд бўлганда коммунал каналзация тизимига оқоваларни оқизиш учун тўловлар, ўрнатилган насоснинг ишлаб чиқариш қуввати ёки ўрнатилган ва рўйхатдан ўтказилган ҳисоблаш асбобининг кўрсаткичлари асосида амалга

оширилади. Истеъмолчига қарашли бўлган автоном сув таъминоти манбаининг ички тизими марказий сув таъминоти тизими билан туташмаган бўлиши шарт.

#### VI. Алоҳида шартлар

6.1. Объект эгаси ўзгарганда, «Истеъмолчи» чиқиб кетишидан 7 кун аввал дебиторлик қарзларини ўзиб, бу ҳақда «Таъминотчи» билан далолатнома имзолаши шарт. «Истеъмолчи» чиқиб кетгач, сувни ҳисобга олиш асоси ва пломбаларнинг бутлиги учун жавобгарлик объектнинг янги эгаси зиммасига юкланади.

6.2. «Истеъмолчи»нинг сув узатиш-оқова ҳужалигидаги барча ўзгаришлар таъминотчи томонидан «Истеъмолчи»нинг хати келиб тушган кундан бошлаб ҳисобга олинади.

6.3. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик суви хажми қувурнинг ўтказиш қобилиятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари ҳисобидан куйдаги формула асосида ҳисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2R \times H \times t}$$

бунда: М — 0.60га тенг бўлган зулфин оркали сув сарфи коэффициенти;

F — суоқлик оқиб ўтадиган қувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича)м<sup>2</sup>;

g — 9.81 м/сек га тенг бўлган эркин тушиш тезлиги;

H — сувнинг метрлардаги босими;

t — вақт- 24 соат, секундларда.\*

#### Қуйдаги ҳолатларда:

6.3.1. «Истеъмолчи»да сув ўлчаш асбоб ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);

6.3.2. Сув ўлчаш асбоби ёки мосламаси «Таъминотчи»да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.3.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдаланиб, ўрнатилган вақтдан ташқари сув сепилганда, автомашиналар ювилганда;

6.3.4. Сув ўлчаш асбоби, мосламаси ишдан чиққан, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув хажми ушбу шартнома 6 қисмининг 6.3 бандида кўрсатилганига мувофиқ, энг сўнги тузилган далолатнома мuddатидан янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, (руйхатдан ўтказилган) кунгача ҳисобланади;

Сувни ҳисобга олиш асбоби истеъмолчининг айбисиз носоз бўлган тақдирда сарфланган сув миқдори олдинги уч ҳисоб-китоб оийдаги ўртача сарф бўйича аниқланади. Ҳисоб-китобнинг бундай тартиби бир ойдан кўл кўлланилиши мумкин эмас. Агар сувни ҳисобга олиш асбоби кўрсатилган мuddат мобайнида ўрнатилмаसा, сарфланган сув миқдори II-гурuh истеъмолчилари учун Қонданнинг 87-б-банди бўйича ҳисоб-китоб қилинади;

6.3.5. «Истеъмолчи»нинг ичимлик суви ва канализация тизими коммуникацияларидан сув исроф бўлиши ҳолатлари аниқланган ҳолатларда;

6.3.6. «Таъминотчи»нинг сув ўлчаш бўғинини диаметри кичикроқ бўлган мосламага алмаштириш тўғрисидаги талабномаси қондирилмаган, бажарилмаган ҳолатларда;

6.3.7. Сув ўлчаш асбобининг ҳисоб-китобини олиб бориш бўғинидаги қўйилган химоя қопламга рухсатсиз тегилиш натижасида, ичимлик сув соф сарфини аниқлаш имконияти чегараланганда;

6.4. Ичимлик суви ва оқова сув коммунал тизимларига (жумладан ёнгиндан сақланаш гидрантлари ва хонадон қувурларига) ўзбошимчалик билан уланиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда, «Таъминотчи» томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан уланиб олган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва «Таъминотчи»га етказилган зарарни ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бунда:

- Тўлов мuddати, энг сўнги тузилган назорат далолатнома санасидан ўзбошимчалик билан уланиб олинган кун санасигача ёки янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, руйхатдан ўтказилган кунгача, ёки ўзбошимчалик билан уланиш узиб ташланган кунга қадар ҳисобга олинади;

- ўзбошимчалик билан уланиб олинган санадан бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар «Таъминотчи» балансидаги тармоқларга уланиш содир этилган бўлса, бу мuddат даъво аризаси ёзилган мuddатдан ошмаслиги зарур. Агар ўзбошимчалик билан уланиб санани топиш, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу мuddат даъво мuddатига тенг деб олинади;

6.5. Техник шартлар 2 йил мuddатга берилади. Белгиланган мuddат тугагач буюртмачи (объектни лойхалаштириш ва қуришни бошлаш учун) лойиха мuddатини чўздирлиши ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки мuddати ўтган ҳолда, «Таъминотчи» томонидан сув узатиш хизматларини яқунлашга асос бўлади.

6.6. «Истеъмолчи» коммунал сув таъминоти ва оқова суви чикариб юбориш тармоқларига уланиш санаси ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этмаган ҳолатларда «Таъминотчи» томонидан, ҳоким қарори ва қедаст ҳисоб-китобли ва шу қабилир асосида, ҳужжат билан тасдиқланган уланиш санаси бўйича ҳисоб-китоб қилишга ҳақлидир.

6.7. Ишлатилган ичимлик суви ва қабул қилинган оқова сув учун тўловлар, «Таъминотчи» томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат қилувчи банктар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар «Истеъмолчи» томонидан 3 кунлик мuddат ичида акцептсиз тартибда амалга оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, «Таъминотчи» кечиктирилган тўловнинг ҳар бир кўни учун 0.4 % пеня ёзади ва унинг умумий қиймати асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик «кодексининг 248-моддаси талабига асосан истеъмолчи томонидан амалга оширилган тўлов суммаси пул мажбуриятини батамом бажариш учун етарли бўлмаसा, энг аввало кредитдорнинг ижроси олишга қаратилган чикимларини, сўнгра фойзаларни, унинг қолган қисми эса - қарзининг асосий суммасини узиш учун йўналтирилади.

6.8. «Истеъмолчи» ҳисоб рақами бўлмаган тақдирда, тўловлар банк бўлиmlарининг қирим қассаси орқали, ҳисобот давридан кейинги 10 кун мuddат ичида тўланади.

6.9. «Таъминотчи» тўловнинг ҳар бир даври учун, аввалги ой тўловнинг 100 % миқдорида олдиндан тўловлар (предплатани) белгилайди ва бу тўлов кейинги ой ҳисобига қўшилади. Агар «Истеъмолчи» икки ҳафта мuddат ичида тўловни амалга оширмаса, «Таъминотчи» ҳеч қандай оғохлантиришларсиз ичимлик сувини етказиб беришни ёки оқова сувларни чикариб юборишни ундирмагунга қадар тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолларда ёнгиндан сақланаш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлиқ «Истеъмолчи» зиммасига юклатилади. Сув таъминоти ва сув чикариш тизимидан илгари узиб қўйилган ҳолларда қайта улашда II гурuh истеъмолчиларидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 (ўн) баробари миқдорда тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот ҳисобига маблағларни ўтказиш орқали ундирилади.

Шахарлар ва бошқа аҳоли пунктларидаги коммунал канализация тизимига жала, ёмтир ва қор сувлари рухсат этилмаган ҳолда оқизилган тақдирда истеъмолчига нисбатан ишлаб чикариш оқова сувларини оқизилганлиги учун амалдаги тарифларга нисбатан қўшимча уч баробарлик қозғициент татбиқ этилади. Ҳисоб-китоб ташкилотнинг майдони бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февралдаги 11-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чикариш оқова сувларини қабул қилиш қондалари ҳамда ифлослантирувчи - моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шахарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг коммунал канализация тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун қомпенсация тўловларини ҳисоблаш тартибига мувофиқ қедастр ва метеорология маълумотларига биноан амалга оширилади.

6.10. Ҳисоб-китобнинг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри ҳисобига олинганлиги ва шу қаби ҳолатлар) тўғрисида «Истеъмолчи» га ёзилган эътирознома тўлов ҳужжати олингандан кейин 5 кун мuddатда «Таъминотчи»га тақдим этилиши қерак. Эътирознома «Истеъмолчи»ни тўлов ҳужжатида кўрсатилган суммани тўлиқ ва белгиланган мuddатда тўлашдан озод қилмайди.

6.11. Юридик шахслардан, лимитдан ортиқча сув истеъмол қилинган ҳолатларда, «Таъминотчи» ташкилоти томонидан белгиланган тарифларга нисбатан 10.0 орттирилувчи қозғициентни қўллаш йўли билан ҳақ ундирилади.

6.12. «Таъминотчи» билан «Истеъмолчи»лар, шу жумладан ҳусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўртасидаги, коммунал сув таъминоти ва оқова сувларни чикариш элементлари (ичимлик сув ва канализация тармоқлари, иншоотлари, қурилмалари)га хизмат кўрсатиш, уларнинг техник ҳолатини сақлаш ва фойдаланиш юзасидан жавобгарлик чегаралари ҳисобланади:

а) сув истеъмоли учун — коммунал тармоққа уланишини узиб қўювчи қирғиш қулфи, Қириш қулфи билан ичимлик сувга уланиш, истеъмолчининг ички ичимлик суви тизимининг бир қисми ҳисобланади;

б) канализация учун — истеъмолчи канализация тизимининг ички қисми ҳисобланувчи, магистрал канализация тармоғига уланиш нуқтасидаги чикарув қудуғи. Агар чикарувчи канализация қудуғи (камераси) магистрал канализация тармоғида жойлашган бўлса, ушбу қудуқ ИСКХ ташкилоти коммунал канализация тармоғининг бир қисми ҳисоблананиб, унга туташтирувчи фойдаланиш қизиги эса истеъмолчининг маблагни ва воситалари ҳисобидан амалга оширилади.

